

3

«КАМАЛАК»НИНГ ЕТТИ ЖИЛОСИ



13

«Универсиада — 2007»  
НИШОФТЛАР МЕЗБОНЛИККА,  
СПОРТЧИЛАР БЕЛЛАШУВГА ШАЙ!

15 МИРЖАЛОЛ ЯНА  
МАЙДОНДА

Эртага  
Миржалол  
Косимовнинг  
хайрлашув  
учрашувида  
иштирок этиши учун  
Европа ва Осиёдан  
кўлаб таникли  
футболчилар  
Тошкент шахрига  
ташири буюради.



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131



# ЖАМИЯТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

www.jamiyatgzt.uz

2007 йил 1 июнь № 22 (35)

Бугун — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ  
ВОҚЕАЛАРИ

28 май куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштируечи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уна вазирликлар, идоралар ва жойлардаги ҳокимият органлари раҳбарлари иштирок этдилар.


29 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан мамлакатимизда футбольни ривожлантиришга кўшган муносиб хиссаси учун Фарғона-нинг «Нефтчи» футбол жамоаси бош устози Юрий Саркисян ҳамда Ўзбекистон Миллий ва Олимпия терма жамоалари катта устози Миржалол Косимов «Мехнат шуҳрати» ордени билан мукофотландилар.

29 май куни Самарқандда кўхна шаҳарнинг 2750 йиллигига бағцилаб фольклор-этнографик жамоаларнинг «Навқирон Самарқандга таъзим» деб номланган анъанавий республика кўрик-фестивали бошланди.

30 май куни пойтахтимиздаги Тошкент фотосуратлар уйидаги «Объективда-талабалар ҳаёт» мавзууда уч кунлик фотокўргазма очилди. Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамгармаси қошидаги «Келажак овози» ёшлар ташабbusлари маркази томонидан ташкил этилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Dreamliner» — «Орзудаги самолёт» деб номланган иккита ноёб, мутлақо замонавий «Боинг-787-8» самолётини етказиб бериш юзасидан 30 май куни Тошкентда «Боинг» авиация — космик корпорацияси билан шартнома имзоланди. Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигида биринчилар қато-ри ва Марказий Осиёда биринчи бўлиб энг сўнгги русумдаги «Боинг-787-8» лайнерини харид қиласди.

## КЕЛАЖАК БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ



Истиқлолга эришганимиздан сўнг ўтган йиллар олтин ҳалқалар каби чамбарчас боғланган. Аммо бу ҳалқалар бир-бираидан мазмун-моҳияти билан фарқ қиласди. Бинобарин, мустақиллигимизнинг бошидаёт ўтмага ташланган демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти қўриши, ёшлар тарбиясига эзтибор каби яхши мақсадлар бугун ўз ҳосилини бера бошлади. Энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг «Фарзандларимиз биздан кўра билими, кучли, доно ва албатта, баҳтили бўлишлари шарт» деган эзгу ниятиларига ҳамоҳанг ўсib-улгаяётган ёшлар — Ватанимизнинг келажаги. Қисқа вақт ичда эришган ютуқларимизни умумлаштириб таҳлил этидиган бўлсак, биз истиқболи порлоқ, келажаги буюк давлат қурмоқдамиз. >>> 7-сафарда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИННИГ ҮН ОЛТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КҮРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТҮҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллигини муносаби кутуб олиш, бу қутлуғ сана муносабати билан мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барто этиши ўйлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни ҳалқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиши, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақилликнинг бекиёс аҳамияти, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйгусини янада чуқурроқ сингдириши мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси «Бу байрам - барчамизники, бутун ҳалқимизни», деган эзгуғояни ўзида мужассам эттан ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар хамда тарғибот-ташибуқот ишлари дастурини 20 кун муддатда ишлаб чиқсин.

3. Мустақиллик байрамига бағишиланган тадбирлар ва тантанали маросимларни кўтаринки рух ва қайфиятда, ташкилий, ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак савияда, ахолининг барча қатламлари, кенг жамоатчилик иштирикода ўтказиш учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» ва «Махалла» жамғармаларига алоҳида тадбирлар режасини тайёрлаш ва амалга ошириш тавсия этилсин.

Ушбу тадбирлар режасида куйидаги масалаларга эътибор қаратилсин:

истиклонинг ёш авлод тақдирни, уларнинг замонавий дунёқараси, билим ва тафқури, фаол граѓданлик позициясини шакллантириш, истевъод ва қобилиятини

рўёбга чиқариш, ёш оиласларни кўллаб-куватлашдаги бекиёс ўрни ва аҳамиятини, йигит-қизларимизнинг ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларидан, Ватанимиз сарҳадлари даҳллизигини кўз қорачигидек асрар борасида эришаётган ютуқларини аниқ ҳаётӣ мисоллар орқали кўрсатиш ва кенг тарғиб этиши;

хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуғузини, ижтимоий фаоллигини юксалтириш, оналиқ ва болалини муҳофаза килиш, эл-юрг таянчи бўлмиш оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, унинг фаровонлигини ошириш бўйича, жумладан, «Ижтимоий химоя йили» дастури доирасида амалга оширилётган давлат сиёсатининг устувор ўйналишларини акс эттириш; мамлакатимизни иктисолид-ижтимоий ривожлантириш, юртимиз шуҳратини дунёга тараннум этиши, ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда ўз шахсий ибрати ва ҳаётӣ таждидаси билан намуна кўрсатётган, эл-юргта хизмати сингган кекса авлод вакилларига хурмат-эътиром кўрсатиш, фарҳийларнинг меҳнатини муносаби қадрлаш, улар иштирикода турига сухбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар ўюштириш; истиқлолимиз билан

боғлиқ эзгу тушунчаларни янада чуқурроқ англаш, унинг қандай кураш ва машакқатлар, фидокорона меҳнат ва қатъият эвазига кўлга киритилгани, кенг кўламли испо-ҳотларимиз моҳият эътибори билан инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганини таъсирчан усул-услублар орқали ёритиш, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшайдиган ҳар қайси инсоннинг жамиятимиздаги туб ўзгаришлардаги иштироқи, ҳаётга онгли муносабати, даҳлдорлик туйгуси ва масъулият хисси, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик фазилатлари тобора кучайб бораётганини, бу эса барча ютуқларимизнинг, бугунги ва эртаги тараққиётимизнинг асосий шарти ва гарови бўлиб хизмат қилаётганини ҳар томонлама чуқур очиб берришти.

4. Республика комиссияси ўз йилишларида марказда ва жойларда амалга оширилётган тадбирлар режасини бажариш бўйича соҳаботлари мунтазам равишда эшишиб борсин.

5. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режисорлар, ёзувчи ва шоирилар, композитор ва балетмейстерлар, санъат рассомлари, истеъоддии ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гурӯҳлар кенг жалб этилсин.

6. Байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўлгуватли ўйлар атрофида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастиакорлар ўюшмалари билан биргаликда Ватанимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқий асрарлар учун республика танловини ўтказиш мақсадида унинг низомини ишлаб чиқсин ва белгили

ланган тартибда тасдиқласин. Танлови галиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида элон қилинсин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон журналистлари ижодий ўюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишиланган «Энг улуг ва энг азиз» анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсан.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Бастиакорлар ўюшмаси ёш ижрочилар ўртасида «Нижхол» мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини хамда галиблар ихорсидаги концерт дастурини август ойининг бинринчи яримда ўюрида даражада ташкил этисин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Корақалпогистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар хамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, ҳужаликлар, жамғармалар хисобидан; Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маглағлари хисобидан тенг улушларда копланади.

11. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалярига мустақилликнинг ўн олти йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорининг ихросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2007 йил 30 май

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига

## «САРДОБА» – ФЕСТИВАЛ ҒОЛИБИ

**Қадим ва наққон  
Самарқанднинг қутлуғ тўйи  
муносабати билан ўтказилган  
фольклор  
этнографик  
жамоаларининг  
«Навқирон  
Самарқандга таъзим»  
республика қўрик-фестивали  
якунланди.**

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган жамоалар иккунун давомида ҳалқимизнинг асрлар оша юшаб келаётган бебаҳо қадрлатлари ва анъаналари асосидаги саҳна қўринишлари, миллий фольклор намуналари, қўшиқ, рақс, лапарлар ихроси бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишиди. Шунингдек, анжуманда жамоаларининг Шарқнинг энг қадимиий ва гўзал шахарларидан бири бўлган Самарқанднинг ўтмиши ва бугуни, унинг бокий ёдгорликларига бағишиланган чиқишилари хам ўтиборга олинди. Регистон мажмуасида

қўрик-фестивал галибларини тақдирлаш маросими ва якунловчи концерт бўлиб ўтди. Навоий шаҳар «Фарҳод» маданият саройининг «Сардоба» фольклор-этнографик ансамбли қўрик-фестивалнинг олий мукофотига сазовор бўлди. Самарқанд вилоятининг «Чавқи» ва Сурхондарё вилояти

дан келган «Булбулигё» ансамблларига биринчи ўрин насиб эти.

Қўрик-фестивалда «Халқ қўшиклиарининг махри ижрочиси», «Энг мафтункор рақс ижрочиси», «Энг жонкуяр мураббий» каби ўндан зиёд номинациялар бўйича ҳам галиблар аниқланди.

Ўз А

# «КАМАЛАК»НИНГ ЕТТИ ЖИЛОСИ

Халқимиз доимо камалакка гўзалик тимсоли сифатида таъриф бериб келган. Зоро, камалакда уйғунлашган етти ранг инсондаги етти фазилат белгиси. Бу етти хислат — инсонийлик, илмга интилиши, ижод, муҳаббат, ақл, садоқат ва меҳрдири.

Камалак халқимиз орасида азалдан бегуборлик ва поклик рамзи ҳисобланган, халқ оғзаки ижоди наимуналарида камалак ризқ-рӯз, бойлик ва давлат даракчиси сифатида тасвирланган.

Нурали ШОДИЕВ,  
«Жамият» мухбери

## БҮНЁДКОР КУЧ

МАЪЛУМКИ, 2001 йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Камалот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилиб, Ҳаракат қошида «Камалак» Болалар ташкилоти фаолият кўрсата бошлади.

Ташкилот ўз олдига болаларни миллий истиқбол фоялари руҳида комил инсон этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, истеъодларни рўёбга чиқариш учун шарт-шароити яратиш беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, бутунги кунда жамиятимизнинг ижтимоий, маънавий

ги 9702 та умумталим мусасалариди ташкилотнинг Сардорлар Кенгаши фаолияти ўйла кўйилган булиб, ҳозирда унинг 300 мингдан ортиқ фаоллари мавжуд. «Камалак» аъзолари бўлажак «Камалот» чилар ҳисобланниб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларининг давомчилидир. Бинобарин, ташкилотнинг асосий негизини мактаблар, қолаверса, синфлардаги гурӯҳлар ташкил қиласди. Бугунги кунда Ватанимизнинг деярли барча мактабларida бошлангич ташкилот ва уларнинг мунособи стакчилари фаолият кўрсатмоқда. Ташкилотнинг фаолияти мустакиллигимизни янада мустаҳкамлаш, бунёдкорлик ишларини ривожлантириш



сад қилиб олган. Улар «Экосан», «Умид», «Ватанпарвар», «Меҳр-шафқат», «Соғлом авлод», «Маънавият ва маърифат», «Олтин мерос» ўйналишларидир.

**ЎЗЛАШТИРИШ қобилияти сурроқ, билим олишига иштиёқи пастроқ болаларни ҳам «Камалак» ўз сафига қабул қилиб, уларни турили тўғтаракларга жалб этиб, яшириш қобилияти, иқтидорини рўёбга чиқаришга ҳаракат қиласди. Бундай болаларнинг аксариятида спортга ёки касб-хунарга итилиш кусли. Уларни «Камалак» фаолиятига жалб қилишда ана шу жиҳатларга катта ётибор қаратилади.**

## ЭТЬИБОР ВА ИҚТИДОР

ЎЗЛАШТИРИШ қобилияти сурроқ, билим олишига иштиёқи пастроқ болаларни ҳам «Камалак» ўз сафига қабул қилиб, уларни турили тўғтаракларга жалб этиб, яшириш қобилияти, иқтидорини рўёбга чиқаришга ҳаракат қиласди. Бундай болаларнинг аксариятида спортга ёки касб-хунарга итилиш кусли. Уларни «Камалак» фаолиятига жалб қилишда ана шу жиҳатларга катта ётибор қаратилади.

Ташкилот тарбияси оғир, вояга етмаганлар нозирлиги назоратида турувчи болалар ва ўсмирлар билан ишлани ҳам ўйла кўйган. Ташкилотнинг Тошкент шаҳри, Навоий вилоят Кенгашлари томонидан бир неча йилдан бўён бундай болаларга мўлжалланган мавсумий «Харбий спорт оромгоҳ»ла-

## «ҶАМАЛАК» БИЛАН

ЎТГАН давр мобайнида болаларни бирлаштириш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида ташкил томонидан кўллаб лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда. Бугунги кунда ташкилот ёз мавсумига ўзига хос тайёргарлик кўрайти, соғломлаштириш оромгоҳларидаги болалар, қолаверса, оромгоҳдага жалб этилмаган болаларни ҳам дам олишларини мазмунли, қизиқарли тарзда ташкил этиш мақсадиди «Ҷамият «Камалак» билан» лойиҳасини амалга оширилиши режалаштирилган. Лойиҳа доирасида мактаблар қошидаги оромгоҳларда «Камалак» фестивали, вояга етмаганлар нозирлиги рўйхатидан турувчи ўсмирлар учун «Харбий-спорт лагери», маҳаллаларда «Кўчма спорт машинаси», Меҳрибонлик уйларida «Түғилган кунинг муборак», экология соҳасида «Менинг озода шахрим», «Маҳаллам кўчаси», «Энг тоза кўп қаватли уй» каби акциялар ўтказиш кўзда тутилган. Шунингдек, лойиҳа доирасида тадбирларга олий ўкув юртларининг талабалари ўкув амалиётини ўташ учун



ва маданий ҳётида янги бунёдкор куч сифатида намоён бўлмоқда.

— Миллатнинг маънавий бойлиги, миллий ва умуминсоний қадрияларининг уйғунлашвида болани ижтимоий фаоликка ундовчи руҳий куч, ўзликни англаши муҳим аҳамиятига эга, — дейди «Камалак» республика болалар ташкилоти раҳбари Насиба Мамаримова. — Болалар ташкилоти ўз фаолиятини тарбиянинг ўзига хос ёндашув ва усусларидан фойдаланган ҳолда ўғил-қизларнинг қалби ва онгига миллий истиқбол фояси таъмйиларини сингдиришга қаратган. Республика мисайди-

борасида ёшларни фоявий ва ташкилий жиҳатдан бирлаштиришга қаратилган.

Бугунги кунда Республика мисайди 7-14 ёшгача бўлган ўқувчилар сони 5 268 810 нафари ташкил этса, шундан, «Камалак» Болалар ташкилоти аъзолари сони 4 624 877 нафариди.

Юқорида камалакнинг етти рангдан иборатлиги ҳақида тўхталиган эдик. Болалар ташкилотнинг ҳам етти фаолият ўйналиши мавжуд. Бу ўйналишлар болалар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг қизиқиши ва истакларини кўллаб-куватлаш, ижтимоий ҳаётга кенг жалб этишини ўз олдига ма-

ри ташкил этилиб келинмоқда. Ушбу оромгоҳларда ёшлар ва болалар ташкилотлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилади. Уларнинг қизиқишиларидан келиб чиқиб, тури тўғаракларга жалб қилинади.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да ташкилот асосий эътиборни кам таъминланган оиласлар фарзандлари, ногиронлар ҳамда «Меҳрибонлик уйлари»нинг тарбияланувчиларига қаратапти. «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчиларини ҳаракатнинг қуий тизимлари томонидан ҳар томонидама моддий-маънавий кўллаб-куватлаш, қалбига миллий истиқбол фоясини чуқур сингдириш, улардан тез-тез хабар олиб туриш амалга оширилаётган ишларнинг асосини ташкил этилади.

Ташкилотнинг «Меҳр-шафқат» ўйналиши сардорлари хонадонларга бориб, ёшларнинг яшаш шароитини ўрганишади. Ёлғиз, қаровчизисиз қолган қариялар ҳолидан ҳам хабар олишади. Уларга тури рўзгор ишларида кўмаклашишади.

Бу болалар ўртасида соғлом турмушни тарғиб қилиш, спортга бўлган қизиқишиларини ошириш, иқтидорни болаларни излаб топиш ва уларни кўллаб-куватлаш, энг муҳими, болалар ўз ҳаётини «Камалак» сиз тасаввур қилолмайдиган ташкилот бўлишига ёриши ўйладиги илдам одимларидир. Зоро, «Камалак» ўзбекистондаги барча болаларнинг ҳаёт ўйлида машъала каби порлаб турса, уларни юксак мақсадлар сари эргаштирувчи ва ҳаракатлантирувчи кучга айланади.

## Тадбир

# АНЬАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Икром ИМОМОВ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Миробод туманинаги 57-сонли маҳсус мактабда таҳсил олаётган ногирон болаларга эътибор кўрсатиш ва ҳар томонидама кўллаб-куватлаш борасидаги тадбирлар яхши анъана га айланган. Куни кечак мазкур мактабда Узбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ташаббуси билан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб байрам тадбiri ташкил қилинди.

Тадбирда турли ракс гуруҳларининг чиқишилари, меҳмонларнинг самимий дил сўзлари болажонларга олам-олам кувонч бағишлади. Мактаб ўқувчилари иштироқидаги театрлаштирилган саҳна кўринишлари эса барчани бирдек хушнуд этди. Тадбир сунгига ташкилотчилар томонидан болаларга ёсдалик соввалари топширилди.



**Мамлакатнинг юксак тараққиёти, жаҳон ҳамжамиятидаги обруси табишики, фуқаролар фаолигига боелик. Ҳар бир фуқаронинг ўз интеллектуал имкониятларини ишга солиб, юрт ривожига ҳисса қўша олиши бу ўринда муҳим аҳамият касб этади. Ақл-идрок, истеъоддининг илк куртаклари болаликда намоён бўлади. Унинг юзага чиқиши эса шак-шубҳасиз тарбия ва таълим жараёнларининг шарт-шароитларига, педагогларнинг малакаси ва маҳоратига боеликдир.**

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Ольга СУРГУТАНОВА,

Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

МАМЛАКАТИМИЗ мустақилигини кўлга киритган кунларидан бошлаб таълим соҳасини такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди, жамият янгиланиши жараёнларида, ижтимоий-иқтисодий исподхотларни барқарор амалга оширишида етакчи омил сифатида ётибор қозонди.

Таълим тизимидағи исподхотлар, хусусан Кадрлар тайёрлаш милий дастурни болалардаги қобилиятин аниқлаш ва ривожлантириш борасида методик, психологик-педагогик, шунингдек, ташкилий шарт-шароитларни яратишни ҳам кўзда туғади. Бугунги кунда таникли педагоглар ва олимларни жалб қўлган ҳодла замонавий педагогик технологиялар, замон таалларига жавоб берадиган ўкув дастурлари ишлаб чиқилемоқда, болаларнинг умумий ва малакавий тарбия марказларида ўзаша ўкув мусассасалари вужудга келтирилмоқда.

Узлуксиз таълим ва тарбия жараёнини ўзида қамраб олган миллий дастур таълим тизимишининг барча бүғинларини ягона таълим мажмусасига бирлаштириб, ўзаро муносабатларда муҳим роль ўйнайди. Хусусан, унинг мантиқий давоми сифатидаги мактаб таълимини ривожлантириш, давлат милий дастурининг амалиётага татбиқ этилиши умумтаълим мактаблари тизимини такомиллаштириша юксак таълаблар даражасидаги таълим стандартларини, моддий-техник базасини яратишга кучли турткি берди.

Маълумки, Истиқолол туфайли ўкувчи ўшлар Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро танлов ва мусобакаларда қатнашиш имконига мусассар бўлдилар. Кейинги 10 йил давомида Ватан ишончини муносиб оқлаган иқтидорли ўкувчilar жаҳоннинг турли мамлакатларida ўтказилган билим беллашувларida фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Хусусан, 2004 йилда математика фани бўйича Гречиша ўтказилган халқаро олимпиадада Навоий давлат педагогика институти юқишидаги академик лицеи ўкувчisi Беҳзод Тил-

дан 21 нафар 1999-2006 йиллар мобайнида фанлар бўйича якуний республика босқичида иштирок этиб фахрый ўринлар ва маҳсус дипломларга сазовор бўлишган. Ҳар йилги иқтидорли болалар ёзги мактабларидаги ўқув-беллашувларда физика, математика иқтисодий йўналишлари бўйича 20-25, химия, биология йўналиши бўйича 10-15 нафар ўкувчи, мусавфақиятли қатнашиб рағбатлантирувчи мукофотларининг деярли 50-60 физининг соҳибига айланниши. Коракўлдаги мазкур донги чиққан мактабнинг уч ўкувчisi Мирзо Улугбек номидада

яда ва Индонезияда, 2003 йил – Японияда, 2004 йил – Гречиша, 2005 – йил Тоҷикистонда, 2006 йил – Қозогистон ва Словенияда, 2007 йил – Қозогистонда бўлиб ўтган халқаро олимпиадаларда 1-иختисослашган мактаб ўқувчилари ўзномларини галиблар китобига ёзиб қолдиришган.

Албатта бу ютуқлар замонида мактаб педагогик жамоасининг ҳаракатлари, захматлари ётибди. Бу ерда мунтазам тарзда очик, ностандарт дарслар, барча фанлар бўйича синфдан ташкари машгуллар олимпиадони педагогик технологиялар асосида олиб

лоят, туман ёқомликлари, тегишли ташкилотлар, ота-оналар қўмагида баҳамжихатликда ҳал этилади. Кейинги йилларда мактабга 4 гектар ер майдони ажратиб берилди, 300 ўрнини янги ошхона бунёд қилинди. Мактабда – озодалик, тартиб, маданияти муносабатлар ҳукмрон.

Мактабнинг муваффақиятли фаолияти қатор бошқа омилларга ҳам болиқ. Масалан, йўналишга қараб ҳар бир синф гурӯхларга бўлинган. Ҳар куни 15.00 дан 18.00 гача муайян гурӯх билан мустасади педагоглар шугулланниши. Мактабда юқори натижаларга эришган ўкувчи ва ўқитувчиларни молдий ва маънавий рағбатлантириш мөъёлларни ишлаб чиқилган. Республика изиннинг барча мактабларида амалиётага киритилган – самарали кўрсаткичларга эришган ўқитувчиларни рағбатлантирувчи директор фонди ҳам мавжуд.

Иқтидорли ўкувчиларни ютуқлари мезонини педагогларнинг фидокорона меҳнати, билим ва маҳорати белгилайди. Жамоада 27ta халқ таълими аълочиси фаолият юртмоқда. Юксак натижаларга эришиш ўйлида интидувчан ижодкор жамоа ижодий муҳит яратади олган.

Мактабда ўкувчилар билими даражасини кенгайтириш максадида математика, физика, тарих, чет тили, иқтисодий йўналишлар бўйича тасдиқланган маҳсус режаларга биноан юшимчима дарслар ҳам ўтилади. Ҳар бир синф ўкувчилари мавжуд ўкув дастурини ўзлаштириш баробарида фанлар бўйича олимпиадаларга тайёрларлик кўрадилар. Шу маънода Ўзбекистон Миллий университети билан тузилган шартнома ана шу муҳим – Республика ва халқаро мактабнинг олимпиадаларга тайёрлов машгулларини юксак савиядаги ташкиллаштиришига замин яратади.

Мактабнинг собиқ ўкувчилари мамлакатимизнинг, хорижий давлатларнинг номдор олий ўкув юргизларида таҳсилни давом этираяптилар. Шундай таълим даргоҳларининг ўнлаб битирувчилари ҳозирда халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги ташаббус кўрсатиб, ҳурмат топиб ишлайтилар. Ҳеч қандай мубо-

## ДУНЁ ТАН ОЛГАН

## ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР

ёхуд Қоракўл мактабининг довруги



лаев, Бухоро вилояти Қоракўл туманинаги биринчи иҳтинослаштирилган мактаб ўқувчилари Зафар Жумаев, Жалол Карбоновлар бронза медалларини ҳамда 2 та маҳсус дипломни кўлга киритишиди. Ўша йили Москвада бўлиб ўтган рус тили бўйича III ҳалқаро олимпиадасида Бухоро шаҳрининг 8-мактаб ўқувчisi Надежда Зернова З даражада диплом билан тақдирланди.

Химия бўйича 2006 йилда Еревандада ўшотирилган 40-ҳалқаро Менделеев олимпиадада Китоб туманинаги иҳтинослаштирилган 8-мактаб ўқувчи-

Бухоро вилояти Қоракўл туманинда 1-иҳтинослашган мактаб деярли 10 йилдан бўён ўқувчилари кўлга киритган ютуқлари билан жамоатчиликни ҳайратга солиб келади. Ҳар йили мактаб битирувчиларининг 95-98 фоизи олий ўкув юргизларига қабул килинади. Мактаб ўқувчиларидан 21 нафар 1999-2006 йиллар мобайнида фанлар бўйича якуний республика босқичида иштирок этиб фахрый ўринлар ва маҳсус дипломларга сазовор бўлишган.

си Жамол Узоқов фахрли 3 ўринига – бронза медалита сазовор деб топилди. 2006 йил Москвада МДХ ва Болтиқ бўйича давлатлари ўқувчилари орасида ўтказилган рус тили мусобакасида Наманган туманининг 3 иҳтинослашган мактаби ўқувчisi Нуриддин Муҳидинов 3- ўринни эгалади.

Шу ўринда Бухоро вилояти Қоракўл туманинда фоалият юритаётган 1-иҳтинослашган мактаб педагогик жамоасининг ёш истеъододларни излаб топиш, уларни тарбиялаш, жаҳон таълим стандартлари мебъерида ўқитишида ўткан мусавфақиятларга эришади.

Колаверса, ушбу иқтидорли болалар мактаби «Иқтисодийти биласизми?», «Қонунларни биласизми?» деб номланган республика танловлашида ҳам доим галиб чиқишлари ҳозирда ҳеч кимни ажаблантиришади. Чунки, жаҳоннинг интеллектуал-илмий умидларни кўртиг ҳисобланган ҳамда маълум бир давлатнинг навқирон авлоди имкониятлари баҳоланадиган нуғузли ҳалқаро олимпиадаларда ҳам Қоракўллик болалар нималарга қодир эканликларини ишботлаб юйишган: 1999 йил – Руминияда, 2000 йил – Кореяда ва Индонезияда, 2003 йил – Японияда, 2004 йил – Гречиша, 2005 – йил Тоҷикистонда, 2006 йил – Қозогистон ва Словенияда, 2007 йил – Қозогистонда бўлиб ўтган халқаро олимпиадаларда 1-иҳтинослашган мактаб ўқувчилари ўзномларини галиблар китобига ёзиб қолдиришган.

Деярли 10 йилдан бўён ўкувчилари кўлга киритган ютуқлари билан жамоатчиликни ҳайратга солиб келади. Ҳар йили мактаб битирувчиларининг 95-98 фоизи олий ўкув юргизларига қабул килинади. Мактаб ўқувчилари-

борилади. Мактабнинг тўплаган педагогик таҳжисаси виляят ва республика максадида кенгайтириш максадида математика, физика, тарих, чет тили, иқтисодий йўналишлар бўйича тасдиқланган маҳсус режаларга биноан юшимчима дарслар ҳам ўтилади. Ҳар бир синф ўкувчилари мавжуд ўкув дастурини ўзлаштириш баробарида фанлар бўйича олимпиадаларга тайёрларлик кўрадилар. Шу маънода Ўзбекистон Миллий университети билан тузилган шартнома ана шу муҳим – Республика ва халқаро мактабнинг олимпиадаларга тайёрлов машгулларини тайёрларлик кўрадилар. Ҳеч қандай мубо-

риласи. Қоракўл мактабининг 20 йилини иқтидорли болаларни ўқитишига, тарбиялашга багишлаган. 1995 йилда Тўхтатилади. Мактабнинг тўплаган педагогик таҳжисаси виляят ва республика максадида кенгайтириш максадида математика, физика, тарих, чет тили, иқтисодий йўналишлар бўйича тасдиқланган маҳсус режаларга биноан юшимчима дарслар ҳам ўтилади. Ҳар бир синф ўкувчилари мавжуд ўкув дастурини ўзлаштириш баробарида фанлар бўйича олимпиадаларга тайёрларлик кўрадилар. Шу маънода Ўзбекистон Миллий университети билан тузилган шартнома ана шу муҳим – Республика ва халқаро мактабнинг олимпиадаларга тайёрлов машгулларини тайёрларлик кўрадилар. Ҳеч қандай мубо-

риласи. Қоракўл мактабининг 20 йилини иқтидорли болаларни ўқитишига, тарбиялашга багишлаган. 1995 йилда Тўхтатилади. Мактабнинг тўплаган педагогик таҳжисаси виляят ва республика максадида кенгайтириш максадида математика, физика, тарих, чет тили, иқтисодий йўналишлар бўйича тасдиқланган маҳсус режаларга биноан юшимчима дарслар ҳам ўтилади. Ҳар бир синф ўкувчилари мавжуд ўкув дастурини ўзлаштириш баробарида фанлар бўйича олимпиадаларга тайёрларлик кўрадилар. Шу маънода Ўзбекистон Миллий университети билан тузилган шартнома ана шу муҳим – Республика ва халқаро мактабнинг олимпиадаларга тайёрлов машгулларини тайёрларлик кўрадилар. Ҳеч қандай мубо-

риласи. Қоракўл мактабининг 20 йилини иқтидорли болаларни ўқитишига, тарбиялашга багишлаган. 1995 йилда Тўхтатилади. Мактабнинг тўплаган педагогик таҳжисаси виляят ва республика максадида кенгайтириш максадида математика, физика, тарих, чет тили, иқтисодий йўналишлар бўйича тасдиқланган маҳсус режаларга биноан юшимчима дарслар ҳам ўтилади. Ҳар бир синф ўкувчилари мавжуд ўкув дастурини ўзлаштириш баробарида фанлар бўйича олимпиадаларга тайёрларлик кўрадилар. Шу маънода Ўзбекистон Миллий университети билан тузилган шартнома ана шу муҳим – Республика ва халқаро мактабнинг олимпиадаларга тайёрлов машгулларини тайёрларлик кўрадилар. Ҳеч қандай мубо-

## Республикамизда

**Мустақиллик йилларигача саноқлигина университет фаолият кўрсатар эди. 1991 йилдан бошлаб мавжуд олий таълим муассасаларининг илмий салоҳигити ўрганилиб чиқиб, бир неча янги университет ва академиялар ташкил қилинди. Жумладан, 1991 йили 3 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра, Тошкент халқ хўжалиги институти — Тошкент Давлат иқтисодиёт университетига айлантирилди. Бугунги кунда мамлакатимизда 20 та университет, 3 та академия ва 42 та институт фаолият кўрсатмоқда.**

**Маъмуржон ҚИЁМОВ,  
«Жамият» мухбери**

**ТАРАҚКИЁТ МАНБАИ**

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида назарда тутилган мамлакатимиз тараққиёти учун ҳар томонлама баркамол юқори малакали мутахассислар етишириши вазифаси республикализдаги барча олий ўкув юртлари қатори Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг ҳам зиммасига юллатилган. Бу ерда таълимнинг узлуксизлиги тўла таъминланган. Академик лицей — бакалаврият — магистратура — аспирантура — докторантура, кадрларни қайта тайёрлаш ва мамакасини ошириш тизими иззил ўйла кўйилган. Университетда таълимнинг 16 ўйналиши бўйича бакалавр, 24 ихтисослик бўйича магистрлар тайёрланмоқда.


«Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда кадрлар тайёрлаш Миллий дастури таълабларидан келиб чиқиб, университеттин замонавий олий ўкув юрти даражасига қўтариш мақсадида таркиби тузилем қайта кўриб чиқиди. Факультет ва кафедралар номлари ва фаолияти замонавий таълаблар асосида янгиланди. Жумладан, мавжуд ҳар бир таълим йўналиши ва мутахассислик бўйича давлат таълим стандартлари ва ўкув режалари мунтазам тақомиллаштириб борилмоқда. Ўкув дастурлари таркибини буюртмачилар эҳтиёжига мослаштириш мақсадида университета биртирилган «Иқтисодиёт» таълим йўналиши ва унга мос келувчи магистратура мутахассисликарининг 5 босқичи танқидий таҳлили ўтказилди. Шу асосда бошқа йўналишлар таҳлили ўтказилиб, янги тақомиллаштирилган давлат таълим стандартлари яратилди.

Мамлакатимизнинг етакчи иқтисодий таълимга ихтисослашган илм даргоҳида 574 нафар профессор — ўқитувчилар, шу жумладан 3 та академик, 72 та фан доктори ва 240 дан ортиқ фан номзодлари таълим бермоқда.

**БИЛИМГА ТАШНАЛИК**

АЙНИ кезда таълабларга чуқур билим берниш, назорат қилиш ва баҳолашнинг замонавий усули — рейтинг тизими ўкув жараёнинг жорий этилган. Ўқитувчилар томонидан ўтилаётган дарслар сифати ва таълаблар томонидан ўлаштириши даражаси устидан мунтазам равишда назорат олиб борилади.

# ОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ ДАРГАСИ



Университет ўкув жараёнини тақомиллаштириши учун ҳар кадрларни максадида ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиши ўйла кўйилди. Унинг мөнъияти профессор-ўқитувчиларнинг дарё жараёнда таълабларга чуқур билими берниш асосланади. Масалан, ўтган йил ёз ойларида бу борада семинар-тренинглар ўтказилиши янги педагогик технологиялар ва ўкув-услубий мажмумалар яратилишига олиб келди.

Шунингдек, 1-босқич таълаблари учун «Биринчи курс мактаби» семинар-тренинг ўтказилиши анъанаға айланди. Ҳар бир таълабага «Мустақил ўкув фаолиятини ташкил этиш услуг ва воситалари» ўкув кўлланмаси берилди. Ушбу тренинг таълабларга олий таълим ўкув жараёнини хусусиятларини ўрганишга имкон берди.

Университетда ўкув жараённи сифатини ошириш мақсадида мунтазам мониторинг олиб борилади. 1000 дан зиёд машгулотларга тақиз қилинди. Уларнинг таҳдиди факультетлар илмий кенгашларида ва кафедра мажлисларида мунтазам мұхоммад мажлисларида оширилди.

Ҳар бир иқтисорли таълабага кафедралар томонидан тажрибали профессор-ўқитувчилар ажратилди. Улар шахсий режа асосида қўшимча машгулотларга қатнашмоқда, илмий тадқиқот гурӯхларига жалб ишларидан.

Ҳар бир иқтисорли таълабага кафедралар томонидан тажрибали профессор-ўқитувчилар эҳтиёжига мослаштириш мақсадида университета биртирилган «Иқтисодиёт» таълим йўналиши ва унга мос келувчи магистратура мутахассисликарининг 5 босқичи танқидий таҳлили ўтказилди. Шу асосда бошқа йўналишлар таҳлили ўтказилиб, янги тақомиллаштирилган давлат таълим стандартлари яратилди.

Бу билан таълабларнинг малакавий самараорлигини оширишга эршилмоқда. Иқтисорли таълаб, магистр ва аспирантурлар Президент стипендиясига сазовор бўлишган.

**ИЛМДА ЧЕГАРА БЎЛМАЙДИ**  
УНИВЕРСИТЕТНИНГ ҳалқаро алоқалари ўйлай сайин мустақамланиб, кенгайиб бормоқда. Ривожланган мамлакатларнинг университетлари билан ўзаро алоқалар ўрнатилиши илмий тадқиқот, ўкув ишларининг жаҳон таълаблари даражасида олиб борилишида ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бухгалтерия хисоби ва аудит факультети қошида ташкил этилган «Ресурс» марказида СИРА, САР сертификатлаш курслари ташкил этилди. Уларни мувваффакиятли битирган 300 дан зиёд ўқитувчи ва таълабларга сертификатлар берилди. Ахборот ресурслари жамланиб, тақдимотлар ўтказиши ус-

лубиёти тақомиллаштирилди.

Япониянинг Сасакава фонди гранти асосида Япония, Корея Республикаси, Сингапурнинг нуфузли университетлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилиниши олийгоҳда бу борадаги ишлар самараорлигини ошириш учун дастурий кўлланма бўлди. Жумладан, бугунги кунда таълаблар ижтимоий-сийёзни оғизни ривожлантириш, уларда танқидий ва таҳдидий фикрлашни куҷайтириш. «Устоз-шогирд»лик миллий анъанаҳарни таълим тизимида кенг жорий этиши ва ривожлантириш, миллий ва диний қадриятларни хурмат қилиш ва эъзозлаш бош устувор вазифа этиб белгиланди.

Бу ишларни таълаб даражасида

амалга оширишда университетнинг

«Маънавият ва маърифат» бўлими,

қасаба уюшмаси, Хотин-қизлар кўмитаси, «Тараққиёт клуби», «Мунозара»,

«Диспут», «Иқтисорли ёшлар» клублари белгиланган Низом асосида маънавий-маърифий ишлар олиб боришни анъанаға айлантирган.

Шунинг баробарида ўкув бинолари ва таълаблар ўйларини таъмирлашга ҳам алоҳидаги ётибор берилмоқда.

Университет қиёфаси таниб бўлмас

даражада ўзгариб бораигни. Кўшимча ўкув бинолари курилашти.

Тошкент давлат иқтисодиёт уни-

верситети мамлакатимиздаги олий

иқтисодий таълимнинг даргаси ҳисобланади. Ана шунинг ўзиёқ мазкур олийгоҳ жамоаси зиммасига катта масъулият юклashi, табиий.

**Химмат****САХОВАТНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД**

**Хайр-саҳоват, муҳтожларга кўмак берниш шаҳкимиз қонингонига сингиб кетган фазилатлардан ҳисобланади. Арнасойлик фермер Зиёдulla**

**Тўраев ижтимоий ҳамояга муҳтож, кам таъминланган оиласларга ана шундай кўмак кўйини чўзаётган танитишилардан. У яқинда ҳамқишлоғи, кам таъминланган оилас бошлиғи. Аввалик Бозоргга соғин сигир ҳада қилиди.**

**Ориф ЖУМАНОВ**

**ЖИЗЗАХ вилояти Арнасой туманинг «Жўрабой Тўраев» фермер хўжалиги бундан тўккиз ўйларни оғизни ривожлантиришади. Университетнинг таълимнинг замонавий тизими олийгоҳ жамоаси зиммасига катта масъулият юклashi, табиий.**

ташкил топган эди. Ҳозир унинг таъмирфида 57 гектар ср, 4 та техника бор. Режаларни ҳар йили ортиги билан удалаб келмоқда.

Бу йил 16 гектар ерда пахта, 38 гектар ерда галла ётирилмоқда.

— Бунинг учун барча имкониятлар етари, — дейдай фермер хўжалиги етакчиси. — Эрта-динин галлаги ўроқ тушади. Фўзи катор ораларига ишлов берини башлаб юбордик. Бу ерда йитирмага яқин киши иш билан таъминланган. Демак, шунча одамнинг қозони қайнаяти.

Фермернинг сўзларидан, ҳаракатларидан ватанпарварлар туйғуси жўнурбди. Ҳақиқатдан мамлакатимизнинг турли гўшаларида Зиёдulla Тўраевга ўшаган кишилар жуда кўп. Уларнинг хайру саховатларига барака берсиз!

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг  
14 йиллигига бағишиланган тантанали  
маросимда Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислом Каримов «Мехрибонлик»  
йилари ва маҳсус мактаб-интернат  
тарбияланувчиларининг ижтимоий аҳволини  
ўрганиши, шу асосда чора-тадбирлар белгилаш,  
ёлгиз болаларга эътиборни янада кучайтириш  
муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида  
таъкидлаган эди.

# МЕХРДАН КҮНГИЛ ЯШНАР

Дилфуза МИРЗАКАРИМОВА,

«Жамият» мұхбери

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Чилонзор туманиндағы 22-«Мехрибонлик» уйи ходимлари, тарбиячи, педагогларнинг «Сен ёлғиз эмас-

темир йүлчилар шифохонасида тегишли тиббий мулажалар олишидан. Бу ерда болаларнинг дили нозик, бир оғиз ширин сүзга мухтож. Айримларининг отаси ёки онаси, яқинлари бор. Баъзиларининг эса....



